

## А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2026 йил январь ойининг “26” куни жиноят ишлари бўйича Бувайда туман суди, Бувайда тумани “Бувайда” м.ф.й. биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи Ш.Мирзакиров, Н.Зайлобидиновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Бувайда туман прокурори ёрдамчиси Б.Бўриев, судланувчи А.Амурмахаммадов ва унинг ҳимоячиси “Mantiq va huquq” адвокатлик фирмаси адвокати Ж.Имомов, жабрланувчи Э.Матисаковларнинг иштирокида,

Амурмахаммадов Адхамжон Абдусалом ўғли (Amurmaxammadov Adxamjon Abdusalom o'g'li), 1994 йил 2 июлда Фарғона вилояти Бувайда туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ишсиз, Бувайда тумани, Бувайда м.ф.й., Боғ кўчасида яшайди, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси билан танишган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчига оид №1-1508-2601/15-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, куйидагиларни

## А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи А.Амурмахаммадов 2025 йил 14 декабрь куни ўзининг бошқарувида бўлган “Spark” русумли 40 Z 374 РВ давлат белгили автомашинасида Бувайда тумани Элобод м.ф.й. Элобод маҳалласи худудида ҳаракатланиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 11,77-бандлари талабларини қўпол равишда бузиб, ҳаракатланиб, йўлни велосипедда кесиб ўтаётган Э.Матисаковни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган, натижада Э.Матисаков йўл-транспорт ҳодисасида олган тан жароҳатлари билан Бувайда тумани марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Суд-тиббий экспертизасининг 2025 йил 26 декабрь кунги 3036-сонли хулосасига кўра, Э.Матисаковда чап оёқ болдир суякларини юқори қисмидан бўғимлараро майдаланиб синиб силжиши ва шу соҳа юмшоқ тўқималарини лат ейиши жароҳатлари бўлиб, бу тан жароҳатлари умумий меҳнат қобилиятини 33 % ини турғун йўқотилишига олиб келиши сабабли, оғир тан жароҳатлари тоифасига киришлиги аниқланган.

Судланувчи А.Амурмахаммадовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми юритилган жиноят иши айблов далолатномаси билан айблилик масаласини ҳал қилиш учун судга юборилган.

Судланувчи А.Амурмахаммадов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини



англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини, hozirda жабрланувчи билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олганлиги хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Э.Матисаков суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, судланувчи А.Амурмахаммадовга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ҳозирда соғлиғи яхшилигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмида назарда тутилган ҳуқуқий оқибатларини тушунгани хақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Э.Матисаков ҳамда судланувчи А.Амурмахаммадовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Бувайда туман прокурори ёрдамчиси Б.Бўриев ва адвокат Ж.Имомовларнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати тугатиш хақидаги фикрини эшитиб, судланувчи А.Амурмахаммадов айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарларнинг тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмаганлиги, ярашув уларнинг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66<sup>1</sup>-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, А.Амурмахаммадовга нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шунингдек суд, жабрланувчи Э.Матисаковга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлагандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л Д И :**

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Амурмахаммадов Адхамжон Абдусалом ўғли (Amurmaxammadov Adxamjon Abdusalom o'g'li)га нисбатан жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Унга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш хақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Жабрланувчи Э.Матисаковга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ўн кун ичида апелляция тартибида, ажрим қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

Ш.Мирзакиров

